

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

6 ЖИЛД, 1 СОН

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

ТОМ 6, НОМЕР 1

INNOVATIONS IN ECONOMY

VOLUME 6, ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2023

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ | INNOVATIONS IN ECONOMY

№1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2023-1>

Бош мухаррир:

Главный редактор:

Chief Editor:

Гулямов Сайдахрар

Сайдахмедович

академик

Бош мухаррир ўринбосари:

Заместитель главного редактора:

Deputy Chief Editor:

Вохидова Мехри Хасановна

иқтисодиёт фанлари бўйича

фалсафа доктори

## ТАХРИЙ МАСЛАХАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

### 08.00.01 - ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ | ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ | ECONOMIC THEORY

Назаров Ш.Х. - и.ф.д.

Гафуров У.В. - и.ф.д., профессор

Мустафакулов Ш. И. - и.ф.д., доцент

Сайфуллаева М.

Маматкулов И.А.

Nanuli Khizanishvili - Doctor of Economic Sciences, Tbilisi Iv. Javakhishvili State University. Faculty of Economics

Екатерина Геннадьевна Господарик

к.э.н., доцент, заведующая кафедрой

аналитической экономики и

эконометрики экономического

факультета БГУ

### 08.00.02-МАКРОИҚТИСОДИЁТ | МАКРОЭКОНОМИКА | MACROECONOMICS

Салимов Б. Т. - и.ф.д., профессор,

Назаров Ш. Х. - и.ф.д.

Худойкулов С. К. - и.ф.н. доцент,

Валиев Б. - PhD.

Сафарова Н.Н.

Зубиташвили Тамар - доктор

туристических наук, Телавский

государственный университет, Грузия

### 08.00.07-МОЛИЯ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ. | ФИНАНСЫ. БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ FINANCE. ACCOUNTING

Жиянова Н.Э. - и.ф.н., доц.

### 08.00.09-ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ | МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА | WORLD ECONOMY

Мурадова Х.М. - и.ф.д., профессор

Шарифхўжаев Ш.О. - и.ф.д.

Сардор Азам - и.ф.д.

Вохидова М.Х. - PhD.

### 08.00.10-ДЕМОГРАФИЯ. МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ | ДЕМОГРАФИЯ. ЭКОНОМИКА ТРУДА DEMOGRAPHY. LABOR ECONOMICS. 08.00.13-МЕНЕЖМЕНТ | МЕНЕДЖМЕНТ | MANAGEMENT

Гулямов С.С. - академик

Умурзаков Б.Х. - и.ф.д., профессор,

Каршиев М.Э.

Маматкулов И.

Фойиназаров С.Б. - PhD

Кадирова З.А. - PhD

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

# **МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT**

<b>1. Nurmukhamedova B.I.</b>	
THE SIGNIFICANCE OF THE STATE BUDGET IN THE IMPLEMENTATION OF THE SOCIO-ECONOMIC POLICY OF THE STATE.....	4
<b>2. Berdieva U.A.</b>	
DEVELOPMENT OF THE INSURANCE MARKET AND CREATION OF SMART INSURANCE TECHNOLOGIES IN UZBEKISTAN.....	12
<b>3. Gulyamova G.P.</b>	
FACTORS OF TOURISM SECTOR COMPETITIVENESS.....	17
<b>4. Khamdamov B.K., Obidkhonov Kh.Kh.</b>	
ACCOUNTING FOR INVESTMENT PROPERTY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND ITS HARMONIZATION IN IFRS.....	22
<b>5. Chinkulov K.</b>	
AUTHOR'S APPROACH TO THE CONCEPT "FINANCING OF JOINT STOCK COMPANIES THROUGH STOCKS".....	29
<b>6. Alimova S., Abdurakhmanov Sh., Kiyomova M.</b>	
SOCIO-ECONOMIC PROBLEMS OF PERSONS WITH DISABILITIES IN UZBEKISTAN....	37
<b>7. Atakhanova S.M.</b>	
EFFECT OF EXCHANGE RATE ON FOREIGN TRADE.....	42
<b>8. Saitkulov A.N.</b>	
INTEREST RISK ASSESSMENT METHOD IN COMMERCIAL BANKS.....	46
<b>9. Nazarov Sh.D.</b>	
PROBLEMS AND OPPORTUNITIES OF PROVIDING MICROFINANCIAL SERVICES IN UZBEKISTAN.....	52
<b>10. Buranov J.A.</b>	
INTERACTIONS BETWEEN BANKS AND THE REAL SECTOR OF THE ECONOMY AND THEIR FORMS.....	56
<b>11. Sultonboeva M.B.</b>	
ISSUES OF STATE FINANCIAL REGULATION OF BUSINESS ACTIVITIES IN MODERN CONDITIONS.....	62
<b>12. Tashmatova R.G.</b>	
MAIN DIRECTIONS FOR STRENGTHENING THE INCOME POTENTIAL OF BUDGETS OF DIFFERENT LEVELS IN PURPOSE OF INCREASING STATE BUDGET REVENUES.....	67

# INNOVATIONS IN ECONOMY

ИҚТІСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР | ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

**Буранов Жамшид Арзимуратович**  
Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси магистранти

## БАНКЛАР ВА ИҚТІСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ШАКЛЛАРИ

**For citation:** Buranov Jamshid Arzimuratovich. INTERACTIONS BETWEEN BANKS AND THE REAL SECTOR OF THE ECONOMY AND THEIR FORMS. Journal of innovations in economy. 2023. Vol. 6, Issue 1. pp. 56-61

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7894335>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада банклар ва иқтисодиётнинг реал сектори ўртасидаги муносабатлар борасида аввал амалга оширилган тадқиқотларнинг адабиётлари шархи келтириб ўтилган.

Шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори ва унинг моҳияти тўғрисида муаллифнинг фикр ҳамда мулоҳазалари келтириб ўтилган. Бундан ташқари, тижорат банклари ва иқтисодиётнинг реал сектори ўртасидаги муносабатлар шаклларига тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** реал сектор, молия сектори, инвестицион жозибадорлиги, инвестицион мухит, кредит портфели, банк кафолати

**Buranov Jamshid Arzimuratovich**  
Master's student of the Academy of Banking and  
Finance of the Republic of Uzbekistan

## INTERACTIONS BETWEEN BANKS AND THE REAL SECTOR OF THE ECONOMY AND THEIR FORMS

### ABSTRACT

This article presents a literary review of previous studies of the relationship between banks and the real sector of the economy.

The opinion and comments of the author about the real sector of the economy and its essence are also mentioned. In addition, the forms of relations between commercial banks and the real sector of the economy were touched upon.

**Key words:** real sector, financial sector, investment attractiveness, investment environment, loan portfolio, bank guarantee

**Буранов Джамшид Арзимуратович**  
магистрант Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан

## ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ БАНКОВ С РЕАЛЬНЫМ СЕКТОРОМ ЭКОНОМИКИ И ИХ ФОРМЫ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье представлен литературный обзор предыдущих исследований взаимосвязи банков и реального сектора экономики.

Также упоминается мнение и комментарии автора о реальном секторе экономики и его сущности. Кроме того, были затронуты формы взаимоотношений коммерческих банков с реальным сектором экономики.

**Ключевые слова:** реальный сектор, финансовый сектор, инвестиционная привлекательность, инвестиционная среда, кредитный портфель, банковская гарантия

### Кириш

Мамлакатимиз ҳаётидаги ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар, иқтисодиётнинг сүнгги ийллардаги барқарор ўсиши таъминланишида, шубҳасиз, реал секторга киритилаётган инвестицион қўйилмаларнинг роли катта бўлмоқда. Барча тармоқларга банклар маблағларининг кириб бориши ишлаб чиқариш изчиллигини таъминлаш гарови бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз банклари ўзларининг ривожланиш стратегиясини айнан реал сектордаги ўсиш билан чамбарчас боғламоқдалар. Улар корпоратив мижозларининг нафақат эришилган ҳажмларни сақлаб қолиш, балки ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки рақобатбардош янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш учун қулай шароит яратиб бермоқда.

### Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Иқтисодиётнинг реал сектори ва тижорат банклари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишининг назарий асослари узоқ хориж ҳамда МДҲ давлатлари кўпчилик олимларининг асрларида ўрганилган. Иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ва уларни назариясининг шаклланишига Россиянинг С.П. Балаганский [1], А.Комов [2], В.М.Усоскин [3] ва бошқа шу каби олимлари ўзининг катта ҳиссасини қўшишган.

Иқтисодиётни ўтиш даврида Ўзбекистонда ҳам банк тизимини ривожлантириш ва уларнинг реал сектор ривожидаги аҳамияти билан боғлиқ масалалар Ш.Абдуллаева [4], О.Иминов [5], Н.Иминова [6], У.Тўхтабоевлар[7] томонидан ўрганилган.

Юқорида қайд этилган иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида иқтисодиётнинг реал секторини тижорат банклари кредитлаш ва уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари алоҳида мустақил равишда ўрганилмаган. Муаммони долзарблиги ушбу мавзуни танланишига асос бўлди.

### Тадқиқот методологияси

Илмий ишни амалга оширишда банклар ва иқтисодиётнинг реал сектори ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳамда уларнинг шаклларини тадқиқ этиш учун олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимили ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хуласа, таклиф ва тавсиялар берилган.

### Таҳлил ва натижалар

Иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқлари таркиби мамлакат иқтисодиётини ривожланишининг асосини ташкил этади. Иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқларида иқтисодий вазиятни аниқ тасаввур қилиш, унинг келажақдаги ривожланиш истиқболларини ҳисобга олиш муҳим иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга.

Реал сектор иқтисодиёти таркиби – бу миллий иқтисодиётдаги товар ва хизматлар кўрсатувчи турли тармоқ ва соҳалар йиғиндисидан иборат бўлиб, улар ўзаро алоқада ва боғлиқликда иқтисодий фаолиятда бўладилар. Реал сектор иқтисодиёти ички ва ташқи бозорга неъматлар ишлаб чиқарувчи, замон ва бозор талабидаги ўзгаришларга нисбатан мосланувчан иқтисодий субектлар фаолияти йиғиндисидан иборатдир. Айни пайтда иқтисодиёт секторларининг инвестицион жозибадорлиги кўплаб омилларга боғлиқ ва у алоҳида

хусусиятга эга. Иқтисодиёт секторида юзага келган вазиятни баҳолаш биринчи галда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни, номутаносибликларни аниқлайди. Тармоқ тузилишидаги номутаносибликлар иқтисодий ўсишга, аҳоли турмуш даражасини юксалитиришга тўсқинлик қилаётган асосий сабаблардан бири бўлади. Шу сабабли ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки давридан бошлаб Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигининг энг муҳим шарти сифатида иқтисодиёт тармоқ тузилишини тубдан ўзгартириш йўли танлаб олинди, чунки бу зарурат эди ва бунинг учун республикамиз етарли моддий, илмий-техникавий ва инсоний салоҳиятга эга эди. Иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш – бу миллий манфаатларни таъминловчи, иқтисодий ўсишга йўл берувчи ва ниҳоят, аҳоли фаровонлигини муттасил ошиб боришини таъминловчи янгича ишлаб чиқариш тузилмасини яратишдир. Чунки таркибий тузилишда чуқур ўзгаришларни амалга ошириш мақроиқтисодий барқарорликка эришишнинг, истиқболда Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишини ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг, жаҳон иқтисодий тизимиға қўшилишнинг энг асосий шартларидан биридир.

Таркибий ўзгартиришлар узлусиз юз беради, уларни рағбатлантириш иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналиши бўлиб қолади. Ҳозирги давр янги технология асри сифатида янги таркибий ўзгартиришларни юзага келтиради. Шу боис таркибий ўзгаришларни таъминлаш ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим жиҳати деб баҳолаш зарур. Ислоҳотлар барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаши зарур. Ислоҳотларни чуқурлаштириш ўзак тармоқларни барқарор ўсишини таъминлашни англатади. Иқтисодиётнинг реал секторини янгилаш тармоқларнинг янги поғонага кўтаришга мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига катта ҳисса қўшади.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида иқтисодиётнинг бозор талабларига асосланган ҳолда унинг барча тармоқларида чуқур ўзгаришлар юзага келди. Иқтисодий муносабатлардаги янгиликлар энг аввало банк тизимини бозор талабларига жавоб берадиган ҳолда қайта куришни талаб этарди. Натижада республикада янги тижорат банклари ташкил қилинди. Бугунги кунда республикада 34 та тижорат банклари фаолият кўрсатмоқда.

Тижорат банклари ўзининг ҳалқ хўжалигида тутган урни ва ўзига хос фаолияти билан бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми сифатида юзага келди.

Иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишида тижорат банклари муҳим роль ўйнайди. Тижорат банклари молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш жараённида реал сектор корхоналари билан узвий боғлиқликда бўлади. Банклар томонидан бўш маблағларнинг тўпланиши ва уларнинг кредит операцияларига қўйилиши реал сектор корхоналарини қўшимча инвестисия ресурслари билан таъминлаш орқали иқтисодий тараққиётни бошқариш имкониятини яратади. Бу мавзу жаҳон молиявий инқирозидан сўнг, ресурслар танқислигини бошдан кечираётган банклар иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини инвестициявий кредитлаш ҳажмини сезиларли даражада қисқартирган бир пайтда долзарб аҳамият қасб этди.

Реал сектор миллий иқтисодиётнинг асоси бўлиб, унинг даражаси ва ихтисослашувини белгилаб беради, уни кредитлаш мамлакат банк тизими учун устувор йўналиш хисобланади.

Ўзаро таъсир турли жараёнларнинг бир-бирига таъсир қилиш жараёнларини, уларнинг ўзаро шартлилиги ва сифат ўзгаришини акс этирувчи илмий категориялардан биридир. Ўзаро таъсирсиз оддийни мураккабга бирлаштириб бўлмайди, шунингдек, умуман тизим сифатида бундай атаманинг мавжудлиги англаш мушкул. Муаллиф реал сектор ва банкларларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ўзаро алоқа шакллари ва механизмларининг қўйидаги таснифини ҳамда уларнинг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини таклиф қиласди. Натижалар 1.2-жадвалда келтирилган.

Бу тасниф ҳар қандай мамлакатда банк ва реал секторлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ҳар томонлама таҳлил қилиш имконини беради. Таклиф этилаётган кўрсаткичлардан фойдаланиш бошқа иқтисодлар билан солиштириш ва ўзаро ҳамкорлик самарадорлигига тўсқинлик қилувчи тўсикларни топиш имконини беради. Ушбу таснифдан фойдаланиш натижасида олинган маълумотлар инвестиция муҳитини баҳолаш учун ҳокимият

органлари, назорат қылувчи органлар, молия ва реал сектор вакиллари, халқаро тадқиқот ташкилотлари, шунингдек хорижий инвесторлар учун қизиқарли бўлади.

**1-жадвал**

### Реал сектор ва тижорат банклари ўртасидаги ўзаро муносабат шаклларининг таснифи

Муносабат шакллари	Муносабат механизмлари	Кўрсаткичлар
Аллокациявий	- Кредитлаш, шунингдек, факторинг, форфейтинг, лизинг - депозитларни қабул қилиш; - брокерлик хизмати	Берилган кредитлар жами тақдим этилган) / (Кредитлар, реал сектор томонидан олинган; • М1/М2 нисбати (2 дан 4 гача нормал қиймат хисобланади)
Инфратузилмавий	Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш; Фонд биржасини ривожлантириш	фонд бозорларида жойлаштирилган акцияларнинг қиймати, ЯИМга нисбатан % да; Қимматли қоғозлар ва биржадан ташқари бозорлардаги савдо ҳажми
Иқтисодий	- Фойда яратиш; - Янги молиявий маҳсулотлар ва воситаларни яратиш	Реал сектор билан ишлашдан даромаднинг банк даромадларида улушкини ошириш. Мақсад -100%
Үйғунлашган	- норматив-хуқукий хужжатларни такомиллаштириш асослари - Корпоратив маданиятни, ахлоқни ва бошқарув сифатини яхшилаш	Бизнес юритишнинг шаффоғлигини ошириш • Ортиқча расмиятчилик ва тўсиқларни камайтириш
Структурани шакллантириш	Корхона мулкчилик шаклини ўзгартириш	• Бирлашиш ва қўшиб олишлар сони • акциялар ва облигацияларни дастлабки жойлаштиришлар сони
Маъмурий	Реал ва молиявий секторлар ўртасидаги ўзаро таъсирни кучайтириш	реал сектор корхоналарида директорлар кенгашидаги ўринларнинг умумий сонида молия сектори мустақил директорларининг % и; • реал ва молиявий секторлар ўртасидаги улуш эгалигини ошириш

Шуни таъкидлаш мумкинки, иқтисодиётнинг реал секторидаги корхоналар фаолиятини ривожлантиришда тижорат банклари кредитларининг ўрни анча катта ва унинг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- корхонада капиталнинг узлуксиз айланиши ва кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш жараёни таъминланади;
- молиявий ресурсларни тақсимлашнинг оқилоналиги ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ортиб бормоқда;
- белгиланган мақсадларга эришиш жараёнида банкнинг молиявий-иктисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги оширилади ва қўшилган қийматни капиталлаштириш жараёни фаоллаштирилади;
- инновацияларни рағбатлантиради, бу эса технологик ҳамда бошқарув жараёнларини доимий равишда такомиллаштириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини оширишга имкон яратади

Бугунги кунда маҳаллий иқтисодий фан шаклланган иқтисодий тизимни квази-бозор сифатида белгилайди, яъни у бозор иқтисодиётининг маълум қонунларидан сезиларли даражада фарқ қиласиган қонунларга мувофиқ ишлайди. Ва бу тасодифий эмас, чунки банк тизимида тўплланган маблағлар ҳам потенциал инвестиция манбай сифатида улардан фойдаланишининг нисбатан паст даражасига эга. Бинобарин, банк ва саноат тармоқлари

үртасида тафовут мавжуд бўлиб, бу иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашга тўсқинлик қиласи ва қуйидаги сабабларга кўра юзага келади:

- талабнинг бузилиши – кредит бозорида фоиз ставкасининг ошиши, айниқса бозор иқтисодиётига ўтиш ислоҳотларининг дастлабки босқичида кузатилган, инфляциянинг ошиши билан боғлиқ бўлиб, бу кредитларга ҳаддан ташқари ортган талабни келтириб чиқаради;

- кредитлаш шартлари – қарз олувчи ташкилотларнинг аксарияти энг яхши ҳолатда умуман кредит тарихига эга эмас, энг ёмони (бу энг типик) улар қониқарсиз ("ёмон") кредит тарихига эга;

- узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестициялар нисбатидаги номутаносиблик - банклар ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги узоқ муддатли операцияларҳажми жуда кам;

- саноат корхоналарининг ўртача рентабеллиги ва иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ставкаси ўртасидаги салбий фарқ;

- банкларнинг миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантиришда номутаносиб иштироки - ноқулай экологик шароитларни бартараф этиш зарурати банкларни инвестицияларнинг анъанавий йўналишлари ўрнига иккиласи функцияларни бажарадиган бошқа бозорларга боришга ёки ҳатто капитални хорижий банкларга ўтказишга мажбур қиласи;

- қарзларни тўлаш шартлари - кўпинча қарзларни тўлаб бўлмайди; ундириш учун умидсиз қарзларни ҳисобдан чиқариш ёки уларни квази-эквивалентлик (тўлиқ бўлмаган компенсация) шартлари бўйича ҳисобдан чиқариш мавжуд.

### Хунос

Яратилган бўшлиқни бартараф этиш узоқ муддатли саъй-ҳаракатларни талаб қиласи, бу мавжуд вазиятни такрорлайдиган аёвсиз доира билан боғлиқ. Иқтисодиётнинг реал секторидаги ташкилотларнинг қониқарсиз ҳолати уни яхшилаш учун йирик банк кредитларини талаб қиласи ва саноат корхоналарининг аҳволи ёмонлиги сабабли кредитларни ишлаб чиқаришга йўналтириб бўлмайди. Шунга қарамай, инсон ва жамият учун қадрли бўлган товарлар ҳамда хизматлар ишлаб чиқарувчи саноат корхонаси ислоҳ қилинган иқтисодиётнинг устувор ва асосий обьекти сифатида кўриб чиқилиши керак, аммо айнан шу корхона "корхона-банк" тизимида ги "энг заиф бўғин" бўлиши мумкин.

Шундай экан, банк энг кучли ҳамкор ва шу билан бирга ҳаётнинг муҳим, лекин иккинчи даражали функцияларни, молиявий барқарорликни таъминлаш ва реал секторни ривожлантириш функцияларни бажарувчи ҳамкор сифатида, бир томондан, бизнесни ривожлантиришда ташаббускор ролини, саноат ишлаб чиқаришининг тикланиши ва ривожланиши, иккинчи томондан, тўпланган муаммоларнинг аксарият қисмини ўз зиммасига оладиган "лангар" ролини ўйнаши керак.

### Иқтибослар/Сноски/References

1. С.П. Балаганский. Реальный сектор экономики как объект экономического анализа. Экономическая теория, 2020 №12
2. Комов А. Анализ системы кредитования реального сектора экономики России в 1 полугодии 2004 г //Русское Экономическое Общество. 2004. №141. С. 7-8.
3. Усоскин В. Современный коммерческий банк: управление и операции. М: Антидар, 1998-320 с.
4. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Тошкент: Молия, 2002. -304 б.; Кадыров А.К. Анализ финансово-хозяйственной деятельности банка. - Москва: Вазар-Ферро, 1995. -170 с.;
5. Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати - Тошкент, 2002. -38 б.;

6. Н.Иминова, Ўзбекистонда рақамлаштириш жараёнларининг ривожланиши “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” Илмий электрон журнали 2/2020 (№ 00046)
7. Тухтабоев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, - Тошкент, 2007. -20 б.

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

6 ЖИЛД, 1 СОН

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ  
ТАМ 6, НОМЕР 1

INNOVATIONS IN ECONOMY  
VOLUME 6, ISSUE 1

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000